

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**№ 2 (May, 2018)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro, 2018**

<b>M. Hamidova.</b> Boshlang'ich sinf ona tili darslarida sintaksisdan beriladigan ma'lumotlar ustida ishlash.....	156
<b>M. Pardayeva.</b> Boshlang'ich sinflarda ona tili darslarini o'tishning o'ziga xos jihatlari.....	159
<b>Л. Абдуллаева.</b> Игра как ведущий метод обучения дошкольников иностранному языку.....	162
<b>IJTIMOIIY-GUMANITAR TA'LIM</b>	
<b>Ж. Бойсунов.</b> Жамоатчилик бошқаруви тизимининг такомиллаштирилиши.....	165
<b>Г. Юнусова.</b> Қодирия таълимотида илм ва амал бирлиги ғояси.....	169
<b>Х. Алимов.</b> Нақшбандия тариқати асосий тамойилларининг методологик жиҳатлари.....	172
<b>Б. Сафаралиев, Н. Қолъева.</b> Роль социально-гуманитарных знаний и образования на современном этапе.....	178
<b>Ж. Жураев.</b> Социологическая и философская интерпретация понятия «информация».....	182
<b>Л. Хантов.</b> Абдурауф Фитрат меросида оила ва унинг вазифалари.....	186
<b>ANIQ VA TABIIY FANLAR</b>	
<b>G. Ixtiyarova, M. Aripdjanova, D. Hazratova.</b> Kimyoviy texnologiya fanidan elektron darslikning afzalliklari.....	189
<b>M. Ergashev, Sh. Xudoyberdiyev, S. Abdurahmonov.</b> “Geterosiklik birikmalar” mavzusini o'qitishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish afzalliklari (“Organik kimyo” fani asosida).....	195
<b>G'. Shirinov.</b> Axborot-kommunikatsion texnologiyalar asosida kimyo mavzularini o'qitishda yangicha yondashuv.....	199
<b>TIL VA ADABIYOT, XORIJIY TILLAR</b>	
<b>Sh. Hayitov.</b> Kuchli hofiza – ilohiy inoyat.....	204
<b>Л. Шарипова.</b> Истиклол даври ўзбек шеърлятида ватан образи (Иқбол Мирзо ижоди мисолида).....	208
<b>U. Ahmadova.</b> XXI asr publitsistik perifrallari.....	213
<b>I. Davronov.</b> Ona tili darslarida til va tafakkur munosabatlari.....	216
<b>У. Жуманазаров.</b> Вопросы формирования фразеологической компетенции на иностранном языке.....	219
<b>P. Zariyeva.</b> Языковая норма и стилистическое значение фразеологической единицы.....	223
<b>D. Nosirova.</b> Xorijiy til darslarini interfaol usullar asosida tashkil etish.....	227
<b>D. Jabborova.</b> Theoretical aspects of the developing language skills.....	230
<b>M. Mirsaeva.</b> Die bedeutung der landeskundlichen filme im daf-unterricht.....	236
<b>S. Samadova.</b> Interaktive vermittlung der landeskunde im modernen deutschunterricht.....	244
<b>Z. Abulova, U. Mavlonova.</b> Ways to develop students' creative thinking abilities.....	248
<b>Г. Хожиева.</b> Француз тилидаги ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар семантикаси (Проспер Мериме асарлари мисолида).....	252
<b>Дж. Темирова.</b> Активизация процесса самообразования учащейся молодежи.....	256
<b>М. Бокарева.</b> Ситуационные задания как элемент “case”-технологии при изучении художественного текста.....	259
<b>K. Oripova.</b> Xalq ertaklarining janriy xususiyati va ularning o'ziga xosligi.....	262
<b>TASVIRIY SAN'AT VA MUHANDISLIK GRAFIKASI</b>	
<b>N. Yodgorov, L. Yodgorova.</b> The problems of creating e-books in field of engineering for higher educational institutions.....	267
<b>A. Aminov.</b> “Ko`rinishlar” mavzusini o'qitishda o'yinli texnologiyalarning o'rni.....	271
<b>IQTISODIY TA'LIM VA TURIZM</b>	
<b>N. Ibragimov.</b> Ta'lim jarayoniga “Turistik hudud raqobatbardoshligi” fanini kiritish istiqbollari.....	276
<b>H. Сайфуллаева.</b> Технология применения материалов народной педагогики в ролевой игре при обучении экономическим дисциплинам.....	281
<b>Ш. Остонов, Н. Жўраев.</b> Иқтисодий тарбия жараёнининг педагогик ва психологик омиллари.....	287
<b>INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI</b>	
<b>G. Turdiyeva, J. Zhumaev.</b> Инновацион таълим технологияларини қўллашда Ispring suite дастурининг имкониятларидан фойдаланиш.....	290
<b>N. Sayidova, M. Muxammadova.</b> CORELDRAW vektorli dasturida gul rasmini tayyorlash ketma-ketligi.....	297
<b>JISMONIY MADANIYAT VA SPORT</b>	
<b>S. Tajiibaev.</b> Ёш спортчиларни тайёрлашда ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлиги.....	303
<b>A. Taniyberdiyev.</b> К вопросу о внедрение кластерно-модульного метода в учебный процесс по физическому воспитанию студентов.....	307
<b>M. Абдуллаев.</b> Ҳаракатли ўйинларнинг ўсмир енгил атлетикачилар машғулот самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.....	311
<b>MUTOLAA</b>	
<b>Л. Шарипова.</b> Бир дoston тахлили.....	314



Гулчехра ХОЖИЕВА  
Бухоро давлат университети факультетлараро  
чет тиллар кафедраси ўқитувчиси

### ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ РАНГЛАР ВОСИТАСИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР СЕМАНТИКАСИ (Проспер Мериме асарлари мисолида)

Француз ёзувчиси Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” (“Nouvelles”/“La double méprise”, “Matteo Falcone” — О. Шарафиддинов томонидан рус тилидан қилинган таржима) новеллаларида ранглар воситасида ҳосил бўлган француз фразеологик бирликларининг рус ва ўзбек тилларида берилиши семантик нуқтаи назардан қиёсий таҳлил этилган.

**Таянч тушунчалар:** фразеология, ибора, фразеологик бирликлар, образли-экспрессивлик, семантик.

В новеллах “Двойная ошибка” и “Маттео Фальконе” французского писателя Проспера Мериме (“Nouvelles”/“La double méprise”, “Matteo Falcone” — переведены с русского языка О. Шарафиддиновым) анализированы французские фразеологизмы образованные посредством компонентов цвета и семантическое сравнение перевода русского и узбекского языков.

**Опорные понятия:** фразеология, выражение, фразеологические единицы, образно-экспрессивность, семантик.

In the novels “Double Mistake” and “Matteo Falcone” by the French writer Prosper Merimee (“Nouvelles” / “La double méprise”, “Matteo Falcone” - translated from Russian language by O. Sharafiddinov), French phraseological units are analyzed by means of components color and semantic comparison of Russian and Uzbek translation.

**Supporting concepts:** phraseology, expression, phraseological units, figurative expressiveness, semantics.

Маънавият халқни, миллатни улуғлайдиган, уни бутун дунёга танитувчи энг муҳим омилдир. Тил эса унинг бирламчи ва асосий бўғини, туб илдизи, халқнинг тарихи, бугуни ва келажакнинг яққол ифодаси, анъаналари ва маданияти инъикоси ҳисобланади. Тил шундай буюк кучга эгаки, ҳатто қурол кучи билан эгаллаб бўлмайдиган сарҳадларни, минг бир лутф билан олиб бўлмас кўн-гилларни-да олишга қодир. Тилнинг бундай қудратли бўлишига сабаб эса, унинг асрлар давомида яшаб, халқнинг бадий тил воситалари билан сайқалланиб боришидадир. Зеро, халқ мавжуд экан, тил барҳаётдир, тил барҳаёт экан, халқ бардавом бўлади.

Бадий тил воситаларининг энг қимматлиси — ҳар бир халқ тилида унинг маданияти ва маънавиятидан келиб чиққан ҳолда яратилган иборалар бўлиб, ҳисобланади. Ибораларни тилшуносликнинг фразеология бўлимида ўрганилади ва улар тилда фразеологизмлар, фразеологик бирикма ва фразеологик бирликлар каби бир нечта номлар билан аталади.

Ҳар бир тилда бўлгани каби, француз тилида ҳам кўплаб фразеологик бирлик (бундан кейин – ФБ)лар мавжуд бўлиб, француз адиблари ўз асарларида фразеологизмлар, хусусан, ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлардан жуда унумли фойдаланганлар. Зеро, бундай идиомалар турли миллатларнинг, жумладан, француз халқининг ҳам турмуш-тарзи, тарихи, бой анъаналари, маданиятининг лисоний ўзига хослик хусусиятларини белгилаб беради.

Француз ёзувчиси Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида ранглар воситасида ҳосил бўлган француз ФБларининг рус ва ўзбек тилларида берилиши қуйида таҳлил қилинади:

1. Аслиятда: Quelle folie! s’écia Julie, **roujissant jusqu’au blanc des yeux** [1].

Рус тилида: Что за вздор! – воскликнула Жюли, **краснея до ушей** [2].

Ўзбек тилида: Нималар деяпсиз?! — хитоб қилди Жюли **қулоқларигача қизариб** [3].

“Roujissant jusqu’au blanc des yeux” бирикмаси ўз маъносида “кўз оқигача кизармоқ”ни англатади. Ушбу ФБлар образлилик хусусиятига кўра бир хил, яъни, инсон тана аъзолари воситасида вужудга келган, айниқса рус ва ўзбек тилларида айнан “кулоқ” сўзи воситасида ифодаланади. Умуман олганда, ҳар учала тилга хос ФБлар шу тил меъёрларидан келиб чиқиб, мазмунан бир-бири билан эквивалент бўлиб ҳисобланади.

2. Аслиятда: Si l’obscurité avait permis de distinguer la figure de Julie, Darcy aurait pu voir qu’une **vive rougeurs’était répandue sur ses traits** en entendant cette dernière phrase... [1].

Рус тилида: Если бы в темноте можно было различить черты Жюли, Дарси увидел бы, как **краска разлилась по её лицу** при последней его фразе [2].

Ўзбек тилида: Қоронғида Жюлининг чеҳрасини кўриш мумкин бўлганида, Дарси сўнги жумлани айтганида унинг **кизариб кетганини** пайкаган бўларди [3].

Мазкур мисолларни таҳлил этилганда француз тилидаги “une vive rougeur s’était répandue sur ses traits”, рус тилидаги “краска разлилась по её лицу” ҳамда ўзбек тилидаги “кизариб кетган” сўзларини ўзаро қиёслаб, шундай хулоса қилиш мумкин: 1- ва 3-мисолларда айнан рангни ифодаловчи сўз воситасида (rougeur-қизғиш, кизариб (“қизил” сўзидан келиб чиққан)) ФБ ясалган, 2-мисол бундан мустасно (краска-ранг демакдир). Шунга қарамасдан, барча мисоллар семантик умумийликка асосланади.

3. Аслиятда: ...comme celle que produirait **un fer rouge** dans une blessure cicatrisée [1].

Рус тилида: ... словно её затянувшейся раны коснулись **калёным железом** [2].

Ўзбек тилида: ...гўё биров унинг битиб бораётган ярасига **қизиган темир** босгандай бўларди [3].

Француз тилидаги “un fer rouge” ибораси “қизил темир” таржимасини англатса-да, лексик меъёр ва фразеологик хусусиятига кўра “қизиган темир”, “қиздирилган темир” маъноли ФБ бўлиб келган.

Юқорида келтирилган қизил ранг воситасида ҳосил бўлган идиомалар қатнашган дастлабки мисолларда “rouge” сўзи “кизармоқ”қа, “қизил ранг”га ишора қилса, сўнги гапда “қизиган”, “қиздирилган” сифатдошлари ўрнида келиб, ҳолатга ишора қилади. Бу матнда “un fer rouge” бирикмаси француз тилида кўп қўлланиладиган il faut battre le fer pendant qu’il est chaud (“куй железо пока горячо-темирни қизигида босиш керак”) паремиологик бирикмасига ўхшаб кетади.

4. Аслиятда: Figurez-vous un homme petit mais robuste, avec des cheveux crépus, **noirs comme le jais**, un nez aquilin, les lèvres minces, les yeux grands et vifs, et un teint couleur de revers de botte. [4].

Рус тилида: Представьте себе человека небольшого роста, но крепкого, с вьющимися **чёрными, как смоль**, волосами, орлиным носом, тонкими губами, большими живыми глазами и лицом цвета невыделанной кожи. [5].

Ўзбек тилида: Уни ўрта бўйли, лекин бақувват, жингалак сочлари **қора мойдай тимқора**, қирра бурун, лаблари юпка, кўзлари тийрак, юзи ошланмаган терининг рангидаги бир одам деб тасаввур қилаверинг [6].

Француз тилидаги “noirscommelejais” ибораси ўхшатиш асосида ясалган ва бу хусусият рус тилидаги “чёрный как смоль” ҳамда ўзбек тилидаги “қора мойдай тимқора” идиомаларида такрорланади (comme=как=-дай), шунга кўра уларни ўзаро вариантдош ФБлар дейиш мумкин. Ушбу иборанинг француз тилида яна бир муқобили мавжуд: “**noirecommelejais**” – “чёрный как смоль” – “**қатрондек қоп-қора; сақичдек, зулукдек қоп-қора**” [7]. Мазкур иборани қўллашда эса матн мавзуси, мақсад ва моҳиятидан келиб чиқилади. Ўзаро қиёслаб ўрганилаётган ФБларда нарса ва унинг таржималарида жуда ўринли фойдаланилган, сабаби иборалар белгини ифодалаш билан бирга, стилистик маънони кучайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

5. Аслиятда: Lorsque madame de Chaverny quitta le château de madame Lambert, **la nuit était horriblement noire**, l’atmosphère lourde et étouffante... [1].

Рус тилида: Когда г-жа де Шаверни покинула замок г-жи Ламбер, **ночь была ужасно тёмная** [2].

Ўзбек тилида: Де Шавернихоним Ламберхонимнинг қасридан чиқиб йўлга тушганида **тун беҳад зулматли**, ҳаво оғир ва дим эди [3].

Ушбу мисол таржималари ранг орқали эмас, ҳолат орқали изоҳланган, яъни, “la nuit noire” (ужасно тёмная ночь) — “қоронғу тун” бирикмасидаги мазмунни кучайтириш мақсадида таржимон “зулматли тун” идиомасига мурожаат қилган. Бунда таржимон ўз навбатида одатийликдан қочиб, образли-экспрессив ҳолат яратган.

6. Аслиятда: Le temps avait changé, **le ciel était gris**... [1].

Рус тилида: Погода переменялась, **небо посерело**... [2].

Таржимада: Ҳаво ўзгаряпти. **Осмоннинг қовоғи солиқ...** [3].

Француз тилида “gris”, яъни, “кулранг” билан жуда кўплаб ФБлар ясалди. Масалан:

- ✓ la matière grise — миянинг кулранг моддаси;
- ✓ les cheveux gris — оқарган, оқараётган соч;
- ✓ il fait gris — ҳаво булутли;
- ✓ être gris — ширакайф бўлмоқ [7].
- ✓ barbe grise – қария, оқсоқол;
- ✓ loup gris – катта бўри [9] ва ҳоказолар.

Аммо “le ciel était gris”, “небо посерело” идиомалари таржимада “осмоннинг ранги кулранг”, ёки “осмон булутли” деб эмас, айнан “осмоннинг қовоғи солиқ” тарзида моҳирона ифода этилганлигини ўзбек таржимонининг тил воситаларидан унумли фойдаланиб, асар таржимасида унинг моҳиятини миллий белгиларда очиб беролганлигида яққол кўриш мумкин.

7. Аслиятда: ... d’ou il ne reviendra que dans quelques années, si **la fièvre jaune** ne le retient pas [1].

Рус тилида: ... вернётся оттуда только через несколько лет, если его не задержит **жёлтая лихорадка** [2].

Таржимада: Агар **сарик безгакка** чалиниб қолмаса, бир неча йилдан кейин қайтиб келади [3].

Тилда “la fièvre” (лихорадка) сўзи “иситма” маъносини англатади. Шунга қарамадан, у “jaune” (“жёлтая”) “сарик” рангга қўшилиб, алоҳида фразеологик бутунлик ҳосил қилган ва “сарик безгак” шаклида таржима қилинган. Ушбу ФБларнинг ҳаммасида ранг билан боғлиқ сўзлар қатнашади ва бу стилистик жиҳатдан ўхшашлик демакдир.

Француз тилидаги ибораларни уларнинг таржималари билан жадвал асосида ҳам кўрсатиш мумкин:

№	Француз тилидаги ибора	Лексик таржима	Рус тилидаги муқобили	Ўзбек тилидаги муқобили
1.	roujissant jusqu’au blanc des yeux	кўз оқигача қизариб	краснея до ушей	қулоқларигача қизариб
2.	une vive rougeur s’était répandue sur ses traits	юзига қизғиш тус ёйилган	краска разлилась по её лицу	қизариб кетган
3.	un fer rouge	қизил темир	калённое железо	қизиган темир
4.	noirs comme le jais	гагатдек (тошқўмир тури) қоп-қора	чёрными, как смоль	Қора мойдай тимқора
3.	noire comme le jais	гагатдек (тошқўмир тури) қоп-қора	чёрный как смоль	қатрондек қоп-қора; сақичдек, зулукдек қоп-қора
6.	la nuit était horriblement noire	тун жуда қоронғу эди	ночь была ужасно тёмная	тун беҳад зулматли эди
7.	le ciel était gris	осмон кулранг эди	небо посерело	осмоннинг қовоғи солиқ эди
8.	la fièvre jaune	сарикиситма	жёлтая лихорадка	сарикбезгак

Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллалари таркибида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар асарларнинг бадиийлик даражасини, ибораларнинг адабий тилдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, новеллаларда қўлланилган фразеологизмларни ўхшашлик, боғлиқлик ва фарқли жиҳатларига кўра ўзаро таққослаб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Проспер Мериме ўз асарларида қизил, сариқ, пушти ранг, кулранг, оқ ва қора ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлардан эмоционал-экспрессивликни акс эттиришда жуда кенг фойдаланган.
2. Асарларда идиомаларнинг турлича маъно касб этиб, ҳолат, вазият, ранг-тус, хусусият, хис-туйғуни ифодалашдаги ўрни беқиёсдир.
3. Иборалар ҳосил бўлишида инсон тана аъзоларининг номлари ҳам фаол иштирок этиб, улар бевосита маъно кучайтиришга хизмат қилади.
4. Тадқиқ этилган француз тилидаги ФБлар таржимада ибора, сўз бирикма ва баъзан гапга эквивалент бўлиб келади.
5. Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар француз, рус, ўзбек халқининг бадий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигидан далолат беради ва фразеология соҳасидаги изланишларда ёш тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Mérimée P. Nouvelles/La double méprise. Éditions du progrès, М., 1976. – Р. 190-233.
2. Мериме П. Новеллы; Двойная ошибка. Перевод М. Кузьмина. – М., Правда, 1982. – С. 97-138.
3. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато. О.Шарафиддинов тарж.– Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 281-324.
4. Mérimée P. Nouvelles/Matteo Falcone. Éditions du progrès. – М.,1976. – 31 р.
5. Мериме П. Новеллы; Маттео Фальконе. Перевод Е.Лопыревой. – М., Правда, 1982. – 4 с.
6. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси /Маттео Фальконе. О.Шарафиддинов тарж. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.– 216 б.
7. Французча-ўзбекча луғат. Тузувчилар Х. Ибрагимов ва б. – Т.: Nihol, 2008. – 387 б.
8. Русско-узбекский словарь. II том. – Т.: Институт языка и литературы им. А.С. Пушкина, 1984. – 433 с.
9. Сувонова Н.Н. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалида) фил.ф.ном...дисс... Т., 2008. – Б. 2-166.